

ШАРТНОМА № 2

(маҳсулот-моддий бойликлар, ҳом-ашё ва материаллар сотиб олиш)

«05» январ 2022 йил.

Шахрихон туман.

« GOLD BUSINESS 7777» МЧЖ номидан раҳбари Абдурасулов Нозимжон Тухтамуродович бундан буён бир томондан «Сотувчи» деб юритилади, Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан «Агробанк» АТБ Шахрихонномидан филиал бошқарувчиси Б. Бозоров, бундан буён «Харидор» деб юритилади, қуйдагилар ҳақида ушбу шартномани тuzдилар.

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса тўловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сўнг қабул қилиш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА БАҲОСИ .2.1.

Т/р №	Маҳсулотнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи (тн.сўм)	Суммаси (сўм)
1.	Қозоққўмир	тонна	10	1400	14 000 000
	ЖАМИ	X			14 000 000.00

Маҳсулотларнинг шартномавий умумий баҳоси ун турт миллион сум

III. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

3.1. «Харидор» маҳсулот учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.12.2016 йилдаги №422-сонли қарорига асосан етказиб берилган маҳсулотнинг 100 % микдорида олдиндан пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. Маҳсулотларни «Сотувчи» омборхоналаридан ташиш «Харидор» томонидан амалга оширилади.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида асосан Республикада иш ҳақининг ва ёқилғи-энергетика ресурсларининг, шунингдек темир йўл ва транспорт харажатларини ошиши кўмирнинг шартномавий нархини ошишига сабаб бўлди.

3.4. Маҳсулотнинг нархи ва шартнома умумий қиймати маҳсулот юкланаётган кундаги нарх бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

IV. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг маҳсулотни ушбу шартноманинг 9.3. бандида белгиланган давр охирига қадар етказиб беради.

V. МАҲСУЛОТ СИФАТИ.

5.1. Етказиб берилган маҳсулотнинг сифати ишлаб чиқарувчининг белгиланган стандартлари, мувофиқлик сертификати ва меъёрий ҳужжатлар асосида «Харидор»га етказилади.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

-Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га маҳсулотни омборхоналардан сотиш;

-Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;

-«Сотувчи» етказиб берилган маҳсулотларни ҳисоб-вароқларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навтини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиш, шунингдек ҳисоб-вароқларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириш лозим.

6.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

-«Харидор» шартномавий талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, маҳсулотни белгиланган тартибда қабул қилиб олиш лозим.

-Тегишли даражадаги сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда ёзма равишда 1(бир) кун ичида «Сотувчи»ни далолатнома расмийлаштирилиб огоҳлантириш.

-Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-вароқлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

7.1, Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажармаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида, шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи»«Харидор»нинг олдиндан маблағи бўлган ҳолда маҳсулотни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун шартномада кўрсатилган сумманинг 0,2% микдорида «Харидор»га пеня тўлайди, лекин пеня микдори кечиктирилган маҳсулотнинг 10%дан ошмаслиги керак. Лекин, Ангрен кўмир қонида табиий офат кўчки ва бошқа кўмирнинг қазиб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳолатлар юзга келса, бу ҳақда «Харидор»га ёзма равишда кўмир ёқилғиси етказиб бера олмаслиги маълум бўлган тақдирда «Сотувчи» пеня тўлашдан озод этилади ва «Харидор» томонидан ошиқча тўланган маблағ унинг талабига асосан қайтарилади.

7.3. «Харидор» олинган маҳсулот учун маҳсулот етказиб берилган кундан бошлаб 60 кундан сўнгра, кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,2% микдорида «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 10%дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

VIII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ.

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1(бир) ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишмаса иқтисодий суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибида ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қили мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил «05» январдан 2022 йил «31» мартгача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланганиб Газначилик бошқармасидан руйхатдан указилган сўнг қонуний кучга киради.

X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

«GOLD BUSINESS 7777» МЧЖ

Андижон вилоят

Шахрихон шаҳар Озодлик куча 7 уй

Тел: 97 984 11 14

р/с: 20208 000 705 397 810 001

Агробанк АТБ Шахрихон филиали

МФО: 00037 ИНН: 308 548 743

«GOLD BUSINESS 7777» МЧЖ



Раҳбари

«Агробанк» АТБ

Шахрихон филиали

Почта манзили: Шахрихон шаҳар

Шох куча 2 уй

Тел: 74-342-28-17; Факс: 74-342-28-17

х/р: 16103000 900 000 037001

МФО: 00037, ИНН: 200 251 466



«Агробанк» АТБ Шахрихон
Филиали бошқарувчиси

Б. Бозоров

Ҳуқуқшунос ҳулосаси: Мен ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, ҳар иккала ташкилот ҳам давлат рўйхатидан ўткан бўлиб, юридик шахс ҳисобланиб, ташкилот раҳбари шартномани имзолаш ҳуқуқига эга. Шартномада шартнома мазмуни, баҳоси, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби ҳамда томонларнинг банк реквизитлари тўлиқ кўрсатилган бўлиб, шартнома лойиҳаси қонунчилик ҳужжатларига мос келишини аниқладим.

Шунинг учун ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Ҳуқуқшунос: